Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · "Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320936

ta'minlashning ustivor yo'nalishlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

o moliyaviy hisobotlarni boshqa davlatlarning moliyaviy hisobotlari bilan har tomonlama taqqoslash imkoniyati yuzaga keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining Byudjet Kodeksi. 2013 yil. 26 dekabr.(o'zgartirish va qo'shimchalar bilan).
2. O'zbekiston Respublikasining "2020 yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti to'g'risida"gi 589-son Qonuni. 2019 yil. 9 dekabr.
3. O'zbekiston Respublikasining "2021 yil uchun O'zbekiston Respublikasining davlat byudjeti to'g'risida"gi 657-son Qonuni. 2020 yil 25 dekabr.
4. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasi. – Toshkent. // Xalq so'z.
5. Kasimova G.A., Xaydarov A. G'aznachilikning dasturiy komlekslari. Darslik. T:. 2021. «Nihol print OK. 376 b.
6. Xaydarova D., Achilboyeva S., Mahalliy byudjet daromadlari hisobi tashkil etishining nazariy jihatlari. Scienceproblame.uz 52-b https://scienceproblems.uz/
7. www.norma.uz
8. www.openbudget.uz

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ТАШҚИ САВДО ДИНАМИКАСИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Эргашев Миржон Ёркин ўғли
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти 2-курс таянч докторанти
mirjonergashev@mail.ru

Аннотация. Мақолада Бухоро вилояти ташқи савдо таркибини статистик баҳолаш амалга оширилган. Мақолада бахолашни амалга оширишда ташқи савдо таркибидаги ўзгаришларнинг тўлиқ ифодалайдиган статистик кўрсаткичлардан фойдаланилган. Таҳлил натижалари асосида таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: статистик кўрсаткичлар, статистик баҳолаш, экспорт, импорт, савдо баланси, товар ва хизматлар

Кириш. Ташқи савдони статистик тадқиқ қилиш ташқи иқтисодий фаолиятнинг статистик тармоғи бўлиб, мамлакат ва унинг ҳудудларида ташқи савдо муносабатларини жорий ҳолати ҳамда ривожланиш тенденцияларини тавсиф-лайди. Ташқи савдо ҳар қандай иқтисодий субъектга қимматли қийматга еришиш имконини беради. Чунки, қайсидир минтақада чиқинди сифатида қаралган буюм, бошқа минтақа учун қимматли қийматга эга бўлиши мумкин. Бундан хулоса қиланадики, ташқи савдо алоқаларини ривожи мамлакат ва унинг ҳудудларига қимматли қийматга эга ресурслани жалб қилади.

Ташқи савдо статистикасида экспорт, импорт, ташқи савдо айланмаси динамикасини ўрганиш учун ўрганилаётган ҳодисанинг вақт ўтиши билан ўзгаришини тавсифловчи ва унинг ривожланиш йўналишини очиб берувчи динамик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ушбу тартибдаги маълумотлар – вақтли қатор маълумотлари ҳисобланади. Кузатув даврига мос тартибда йиллик, ойлик, ҳафталик ҳамда чораклик каби вақт ўлчовлари мавжуд.

Адабиётлар шарҳи. Кўплаб олимларнинг илмий тадқиқотлари кўрсатадики, мамлакат ва унинг ҳудудлари ташқи савдо ривожи мамлакат аҳоли фаравонлигига

Published: 23.12.2024
Cite this article: Эргашев Миржон Ёркин ўғли (2024). Бухоро вилояти товар ва хизматлар ташқи савдо динамикасини статистик баҳолаш. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320936
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ижобий таъсир қилади. Масалан, К.Р. Редди экспорт ва импорт иқтисодий ривожланишни кучайтиришини таъкидласа, Г.Т. Караманаж эса импорт орқали минтақада ресурс жиҳатдан тақчил ҳисобланган талабни қодириши мумкин дейди. С. Юксел ва С. Зинген[ ] эса экспортдан фарқли ўлароқ, импорт миллий валютанинг кетишига олиб келади ва иқтисодий ўсишни заифлаш-тириш учун савдо балансини заифлаштиради деган фикрни олдинга сурган. Аммо, С. Бакари ва М. Маброуки[ ] иқтисодий ўсиш учун импорт манба ҳисоланиши, импорт орқали инвестициялар оқимига эришиш ҳамда қимматли қийматга эришиш мумкин дейди.

Таҳлил ва натижалар. Бухоро вилояти ташқи савдосида товарлар улуши катта қисмни ташкил қилади. Статистика агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси томонидан нашр қилинган 2023 йил учун “Бухоро вилояти ташқи савдо айланмаси” пресс-релизида товарлар улуши экспорт таркибида 93%ни, импорт таркибида эса 95% ортиқ қисмини ташкил қилган Вилоятнинг товарлар ташқи савдо айланмасида энергетика ва нефт маҳсулотлари энг катта улшни эгаллайди. Охирги декадада вилоятнинг товарлар ташқи савдо айланмасида ушбу турдаги товаларлар улуши 31,5% дан 60% гача бўлган қисмни ташкил қилган. Машина ва ускуналар улуши вилоятда иккичи ўринда туради. Охирги 3йилда вилоят ташқи савдосини 18% дан катта қисмини ташкил қилиб келган.

Ташқи савдо таркибида пахтанинг қисқариш тенденциясини кузатишимиз мумкн. Нафақат вилоят балки мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида пахта маҳсулотининг ҳажми катта қисқарган. 2016 йилдан бошлаб пахта екпорти босқичма босқич қисқартирилиб, 2023 йилда тўлиқ тўхтатилган.

1-жадвал

Бухоро вилояти товарлар ташқи савдо статистикаси таркибий тузилишини динамик таҳлили (%)[111]


	2015	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**	**2022**	**2023**
Пахта	13,8	18,3	11,0	9,7	5,1	8,3	9,6	0,3	0
Кимёвий маҳсулотлар ва уларнинг маҳсулотлари	2,9	3,6	3,0	4,9	4,7	7,6	6,4	9,6	9,3
Қора металлар	3,2	1,3	0,8	1,4	1,3	1,3	10,3	1,6	1,6
Рангли металлар	0	0	0	0	0	0	0,1	0	0,6
Энергетика ва нефт маҳсулотлари	54,5	57,1	60,0	44,8	41,7	35,6	31,2	43,9	43,0
Машина ва ускуналар	6,1	5,8	15,1	20,7	20,8	17,3	19,9	18,3	19,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	8,0	4,4	3,4	5,4	6,4	6	4,8	5,5	5,5
Бошқа	11,6	9,5	6,8	13,1	20	23,9	17,7	20,8	20,8
Жами %	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**


[111] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди(stat.uz).

2023 йилда вилоятнинг экспорт ҳажми 292.3 млн. АҚШ долларни ташкил қилган. Экспортнинг 273.3 млн. АҚШ долларлик қисми товарларга тегишли. Бухоро вилоятининг экспорт таркибида энг катта улуш саноат товарларига тегишли бўлиб, улар умумий экспортнинг 43.4% изини ташкил қилган.

Саноат товарлари экспорт ҳажми 2023 йилда 126.8 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар турларига киривчи товарлар туркумига иккинчи энг катта товарлар гуруҳидир. Ушбу турдаги товарлар ҳажми 59 млн. АҚШ долларни ташкил қилиб, умумий экспортнинг 20,2% ини ташкил қилган.

Кейинги ўринда турувчи товарлар гуруҳи, умумий экспортнинг 10.3% ини ташкил қилган машина ва транспорт асбоб ускуналари товарларига тегишли. Машина ва транспорт асбоб ускуналари экспорти 2023 йилда 30млн. АҚШ долларни ташкил қилган. Хизматлар ҳамда озиқ овқат маҳсулотлари экспорти ҳажми Бухоро вилояти экспортининг 13,5% ини ташкил қилган. Бунда, хизматлар экспорти 19 млн. АҚШ доллар билан 6,5% фоиз, озиқ овқат маҳсулотлари эса 20,4 млн. АҚШ долларлик ҳажм билан 7% вилоят экспортини таъминлаган.





2.7-расм. 2023 йил бўйича Бухоро вилояти экспорт ва импорт

таркибий тузилиш (%)[112]

2023 йилда Бухоро вилоятининг импорти 910,6 млн. АҚШ долларни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 0,8% фоизга кам. Импорт ҳажми экспорт ҳажмидан 3 баробардан ортиқ. Импортни асосий ташкил қилувчи товарларнинг гуруҳлари минерал ёқилғилар ҳамда машина ва транспорт воситалари ҳисобланади. Минерал ёқилғилар ҳамда машина ва транспорт воситалари умумий импортнинг 78.% ини ташкил қилган. Бунда, 337,7 млн. АҚШ доллар билан умумий импортнинг 37,1% ини минерал ёқилғилар, 364,7 млн. АҚШ доллар, яъни умумий импортнинг 40% изини машина ва транспорт воситалари импорти ифодалаган.

Кейинги импортнинг энг катта улушларини кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар гуруҳи ҳамда саноат товарлари эгаллаб турибди. 2023 йилда икки гуруҳ товарлари импортидан саноат товарлари ҳажми 2022 йилга нисбатан 0,3% миқдор камайган бўлса, кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар гуруҳи ҳажмида худди шу миқдорда ошиш кузатилганини кўришимиз мумкин. 2023 йилда кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар гуруҳи товарларини импорт ҳажми 84,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Хулоса.

Минтақавий интеграция узоқ вақтдан бери савдони ривожлантириш воситаси бўлиб келган. Вилоятда ҳам ташқи савдони ривожлантиришда минтақавий интеграцияни амалга ошириш лозим. Сўнгги йигирма йил давомида минтақалар ичида ва минтақалар ўртасида савдо оқимларининг ортиши кузатилди ва ривожланаётган савдо алоқаларига эҳтиёж ортмоқда. Бунинг ечими Республика миқиёсидаги мақсад ЖСТга аъзолик ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда савдо битимлари миллий савдо сиёсатини аниқлашга ёрдам беради ва шу билан савдонинг ривожланишга таъсирини кучайтириши мумкин.

Минтақавий интеграциялар меҳнат, атроф-муҳит, шаффофлик ва бошқа прогрессив ислоҳотлар ва иқтисодий бўлмаган сиёсат мақсадлари нуқтаи назаридан юқори стандартларни илгари суриш салоҳиятига эга.Минтақавий интеграциялар савдони ошириш учун танлов воситасига айланди. Шунга қарамай, уларнинг ривожланишига таъсири билвосита ва уларни ҳал қилиш қийин. Ушбу янгилик минтақавийликнинг мураккаб таъсирини икки чорага, яъни тўғридан-тўғри икки томонлама имтиёзли савдо ва қўшниларнинг имтиёзли савдосининг савдо таъсирига билвосита таъсир қилишини соддалаштиришга ёрдам беради.

AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH, IQTISODIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH VA ULARNING HUQUQ VA MANFAATLARINI HIMOYA QILISH, BARQAROR ISH O‘RINLARI YARATISH VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH

Avulchayeva Feruza Jo‘raqo‘ziyevna
Farg‘ona politexnika instituti, menejment kafedrasi katta o‘qituvchisi PhD
Avulchayeva Feruza Jo‘raqo‘ziyevna
Abdumutalov Sardorbek Muxammatkul o‘g‘li
Farg‘ona politexnika instituti talabasi

[112] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди(stat.uz).